

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Кулайлик

– Болажонлар, бугун асосий мавзуга ўтишдан олдин Ватан туйғуси ҳақида гаплашамиз, – Сайёра дарсни ҳар доимгидан ўзгача бошлади. Унинг кайфияти чоғ. Ўқувчиларининг Ватан ҳақидаги фикрларини тинглаб қувонди. Зеро, болажонларнинг эртасидан кўнгли хотиржам, уларни кўллайдиган Ватани борлигидан тили-ю дилида шукрона.

– Ҳар бир инсон учун энг муҳим нарса, бу хотиржамликдир, – дейди 13-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Сайёра Юсупова. – Айниқса, мен каби ўқитувчига. Зеро, ўз уйингда бемалол эртанги дарсга тайёрланиш, болажонларни элига, юртига нафи тегадиган инсонлар бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшиш – катта бахт.

Дарҳақиқат, юртимизда инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун. Буни Ангрен шаҳри "Кимёгарлар" маҳалласи ахли турмуши мисолида ҳам кўриш мумкин. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда фойдаланишга топширилган 54 хонадонли иккита кўп қаватли уй-жой уларга ажойиб тўхфа бўлди.

Бугунги кунда юртимизда фуқаролар турмуш шaroитини яхшилаш, ҳудудлар инфратузилмасини янада юксалтириш, аҳолини замонавий уй-жой билан таъминлаш масаласида кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятимизнинг кўплаб ҳудудларида замонавий уйлар бунёд этилаётгани ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги "2017-2020 йилларда ша-

ЯНГИ УЙЛАРДА БАХТ ШУКУҲИ



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.

турмуш шaroитини янада яхшилаш ва ҳудудлар қиёфасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, имтиёзли кредитлаш тизими ёш оилаларга арзон уй-жойга эга бўлиш, бахтли ва фаровон ҳаёт кечириш учун катта имкон яратмоқда.

Инсоннинг қачонки яшашида ҳаловат бўлса, ишида ҳам унум ва барака бўлади. Бахт эса унинг муъжаз хонадонидан бошланади. Обод хонадонда

ота-онаси ва Ватани меҳрини ҳис қилиб, хотиржам улғаяётган болалар эса, эртага юрт ободлигига ҳисса қўшади.

– Ота-онанинг асосий вазифаси фарзандларига яхши таълим-тарбия бериш, уларни уйли-жойли қилиш, – дейди ангреник Бувинисо ая Жўраева. – Биз ҳам ўғлимизни уйлантириш орзусида юргандик. Аммо, уй муаммоси сабаб, бу орзумиз ортга сурилиб келаётганди. Шукри, бу-

гун бизга ҳам мана шу кўп қаватли уйдан 3 хонали хонадон насиб қилди. Энди тўй бошлаб, келинни янги уйга туширамиз.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 21 июль кuni вилоятимизга ташрифи чоғида фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш бўйича қатор кўрсатмалар берган эди. Ушбу топшириқлар ижроси ўларок, реконструкция қилинган мазкур хонадонларга кўчиб келган фуқароларимиз бугун ҳаёти-

дан мамнун, эртасидан кўнгли тўқ.

2018 йилги дастур асосида ҳудудда яна 5 та 9 қаватли уй реконструкция қилиниб, ёш оилалар, уй-жойга муҳтож фуқароларга ипотека кредити асосида топширилиши режалаштирилган. Бу эса, юртимизда ишловот, аввало, инсон манфаатлари учунлигидан далолат беради.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

XIII халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси олдидан

Ўзбекистон пахтасининг жаҳон бозоридagi мавқеини мустаҳкамлашда Халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг аҳамияти юқори бўлмоқда. Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси (ICAC)нинг энг муҳим тадбирлари реестрига киритилгани боис мазкур анжуман дунё миқёсида пахта бозори сиёсатини белгилловчи нуфузли анжуманлардан бирига айланди.

ЎЗБЕКИСТОН ЭРТАПИШАР НАВЛАР СЕЛЕКЦИЯСИ БЎЙИЧА ДУНЁДА ПЕШҚАДАМ

Бу йил мазкур ярмарка ўн учинчи бор ташкил этилмоқда. Халқаро тадбирнинг самарали ўтишини таъминлаш, иштирокчиларини мамлакатимиз пахта етиштириш соҳасидаги сўнгги янгилар ва ютуқлар билан батафсил таништириш мақсадида тайёргарлик ишлари қизғин кечмоқда. Жумладан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказида ҳам ярмаркага пухта ҳозирлик қилинмоқда.

Марказда 200 дан ортиқ нав яратилган. Селекционерларимиз янги навларни яратишда бозор

талабини ҳисобга олмоқда. Бунда толаси пилшқ, узун, касалликларга чидамли, эртапишар навлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўпчилик яхши эслади, декабрда ҳам дала-ларда кўсак териларди. Ҳозир барча кўсаклар октябрнинг 15-20 саналарига қадар очилмоқда. Муддат қарийб икки ойга қисқарди. Шунингдек, селекцияерларимиз тола чиқишини 34-40 фоизгача, узунлигини 32-35 миллиметргача, битта кўсакдаги пахта вазнини эса 6-7, ҳатто 8-10 граммгача оширишга эришмоқда.

Давоми 2-бетда.

ҲАВАС МАНЗИЛИ

Ҳавас – гулга ўхшайди. Гулга қанча меҳр берсанг, у шунча гўзаллашиб боради. Қалбда очилган ҳавас ҳам инсонни орзулари сари етаклайди. Оппок орзулар ила нузли манзилларни кўзлаётган ва қўзлаган манзилига тинимсиз ҳаракатлари, интилишлари, изланишлари билан шавҳам қадам босаётган инсонларни кўрганда, улардаги шижоатга ҳавасингиз келаверади.

Қишлоқ мулкдорлари



Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Изланганга имконият бор, бу юрда, деган сўз ўтади қалбидан. Дарҳақиқат, мустақиллик берган имкониятларни санаб адоига етиб бўлмайди. Кечагина қишлоқнинг чанг-тўзон кўчаларида машина бошқариб юрган ҳайдовчи, кун келиб катта ишбилармонга, тадбиркорга айланишини ким ўйлабди, дейсиз.

Заркент қишлоғи. Паркентнинг кўксидagi гавҳар. Ўн бир мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган бу қишлоқнинг одамлари меҳнаткаш, танти. Ер билан тиллашча оладиган деҳқону-боғбонларнинг, улар етиштираётган олмаю, узумларнинг довури доvon ошган.

Давоми 2-бетда.

2018 йил учун
«Тошкент ҳақиқати» ва
«Ташкентская правда»
газеталарига
обуна давоми
этомқда!

Газета ва газетхон

Тахририятимизга Оҳангарон тумани, Нуробод кўрғонда жойлашган виллоят фтизатрия ва пульмонология шифохонасининг жаррохлик бўлими мудири Қиёмиддин Шарипов шижоат билан келди. Қиёмиддин аканинг айтишича, аини пайтда унинг бўлими ёпилиш арафасида экан. Шунча қаршиликларга қарамай...

БЕМОРЛАР НИМАГА БЕЗОВТА?

Вазиятни тўлиқ тушуниб олишингиз учун бошидан гапириб берсак. Қиёмиддин Шарипов 22 йилдан буюн Республика фтизатрия ва пульмонология илмий-текшириш институтида (Республика силга қарши курашиш институти) фаолият юритган. 2010 йилда институт таъмирланадиган бўлди. Шундан кейин марказ ходимларини республика бўйлаб тарқатишга тўғри келган. Қиёмиддин акани Андижонга жўнатишди. У ерда бир муддат иш-

лаганидан сўнг, Келесдаги силга қарши курашиш диспансери бош шифокори Абдувоҳид Содиков ишга таклиф этди. Ўз кучи, салоҳияти ва тажрибасига таянган ҳолда диспансерда жаррохлик бўлимини ташкил қилади. Бу ерда 2017 йилгача фаолият кўрсатади. Ўз хоҳиши билан июль ойида ишдан бўшайди.

Нурободдаги жаррохлик бўлими 2010 йилда виллоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланиб, молиялаштирил-

ган. Лекин, бўлими 7 йил давомида ишлата олишмайди. 20 ўринли мазкур жаррохлик бўлимини юргизиш вазифасини бош шифокор Қиёмиддин Шариповга топширади.

Тошкент виллоят солиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Нисом Абдуллаев шу йилнинг июнь ойида ўтказган йиғилишнинг ҳуло-сасига кўра, бир ой муддат ичида мутахассис топиб, жаррохлик бўлимини ишга тушириш

керак эди. Унинг ижроси қатъий назоратга олинди. Лекин мутахассис бўлмагани учун жаррохлик амалиётлари ўтказилмай келинаётганди.

Ангрен шаҳар санитария-эпидемиология назорати марказининг 2017 йил май ойидаги ҳуло-сасига кўра, кичик жаррохлик амалиётини ўтказишга рухсат берилган. Жиддий операцияларга эса, маълумотларда кўрсатилган камчиликлар тузатиладиган кейингина рухсат берилиши кўзда тутилган эди.

– Бу ерга келганимда, ҳеч нарса йўқ эди. Ҳомийлар ёрдами билан шaroит яратди, – дейди суҳбатдошимиз. – Бу бўлимда умуртқа сили касалликлари ва унинг асоратлари бўйича виллоятнинг шаҳар ва туманларидан келган беморлар ётиб, даволанади. Бўлимда 50 нафар ходим ишлайди.

Давоми 3-бетда.

ҚЎЙНИНГ ЮГУРГАНИ... ҚЎРАГАЧА

Зангиота тумани ИИБга Тошкент шаҳрида яшовчи 1979 йилда туғилган Ахрор Сатторов (исм-фамилияси ўзгартирилган) ариза билан мурожаат қилиб, номаълум шахс ҳеч қандай йўқлигидан фойдаланиб, Хонобод қишлоғидаги қўйхонасидан умумий нархи 18 миллион сўм бўлган 22 бош қўйини ўмарганини маълум қилган.

Тезкор чора-тадбирлар натижа-сида ушбу жиноятни унинг уйида ижарада яшаётган, Андижон виллоятда яшовчи 1972 йилда туғилган Тўлқинжон Толмасов содир этгани ва қўйларни сотиб юборгани аниқланиб, ушланди. Ушбу ҳолат юзасидан, унга нисбатан жиноят иши кўзгатилади. Ашёвий далил сифатида қўйлар олиниб, эгасига қайтарилди.

Виллоятимизда бир ҳафта ичида 113 та жиноят қайд этилди. Уларнинг 104 таси қош этилган. 9 та ўғрилиқ бўйича айбдорларни қидириб топиш ва уларни қонун доирасида жавобгарликка тортиш борасида барча тергов ва тезкор

чоралар кўрилмоқда. Ҳафта давомида қидирувда юрган 15 нафар шахс ушланди. Илгари содир этилиб, очилмаган 8 та жиноят қош этилди.

1969 йилда туғилган Эркин Ҳамроев Бобур Искандаровнинг ишончини суиистеъмол қилиб, Тошкент туманида жойлашган 12 сотих ерини "номингизга расмийлаштириб бераман", деб алдаб, ундан катта миқдорда доллар олиб, ер ҳужжатларини расмийлаштириб бермаган. Ушбу ҳолат юзасидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси билан иш очилди.

Хушнуда МҲМИНОВА.

ОЛТИН ДАВР ОСТОНАСИДА

Ота-боболаримиз қадимдан илм-маърифатга, билимга катта эътибор қаратганлар. "Устоз отандан улуг" нақлининг ўзи ҳам юртимизда устоз ва мураббийлар, ўқитувчиларнинг қадру эъзозидан дарак беради. Зеро, ўқитувчи болага таълим бериш асосида мамлакат келажагини бунёд этади.

Тадбир



Шу сабабдан, юртимизда бугунги кунда ҳам юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш бўйича кенг қўламини ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан Чирчиқ давлат педагогика институтининг ташкил этилган ана шундай қадамлардан бири бўлди. Вилоятимиз таълим тизимида малакали педагог кадрларни етиштириш, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилари, бошланғич синф, айниқса, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга

бўлган талабни қондириш мақсадида ташкил этилган таълим маскани жорий ўқув йилидан талабаларни ўз бағрига қабул қилди.

Шу муносабат билан муассасада ташкил этилган "Талабаликка бағишлов" маросимида институт ўқувчи-хотимлари, талабалар билан бир қаторда республиканинг қатор нуфузли олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритиб, мазкур институтда тахсил олаётган та-

лабалар келажақда вилоят халқ таълими тизимида юксак малакали педагог кадрларга бўлган эътиборни қондириши ва ёш авлоднинг юксак маънавиятли бўлиб улғайишига ўз хиссасини қўишини таъкидлашди.

Тадбир доирасида Чирчиқ давлат педагогика институтининг таълим олишмиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, дейди талаба Барчиной Бурхонава.

Таълим жараёнига илгор педагогик технологияларнинг жалб қилинган эса самарадорлигини янада ошириши шубҳасиз.

Имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, келажақда ёшларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлишларига ўз хиссасини қўшамиз. Маросимда талабаларга "Билимлар калити", рейтинг дафтарчаси ҳамда талабалик гувоҳномаси топширилди.

Институт ижодий жамоаси томонидан тақдим этилган байрам дастури йиғилганларга хушқайфият улашди.

Ўз мухбиримиз. Қобилжон Ғофуров олган сурат.

Интилиш

Халқимизда "Олтин олма дуо ол", деган аjoyиб нақл бор. Юқори Чирчиқ туманидаги "Нозима люкс сервис" хусусий корхонаси раҳбари Гулчеҳра Утбосарова мана, бир неча йилдирки, ўзининг ҳалол меҳнати билан кўпчилиكنинг раҳматига сазовор бўлиб келмоқда. "Йил аёли", "Ташаббус" каби танловларнинг вилоят ва туман босқичларида бир неча бор ғолиб бўлди. "Энг яхши тадбиркор", дея эътироф этилди.

Тошкентдаги бичиштириш курсида тўрт йил ўқидим, дейди Гулчеҳра Утбосарова. Ўқитиш муваффақиятли тугаллаб, туман болалар ва ўсмирлар йил ижодиёти (хазина) "Баркамол авлод" марказида саккиз йил ўқитувчилик қилдим. 2004 йилга келиб эса, тадбиркорлик билан шуғулланишга бел боғладим ва Янгибозорда "Нозима люкс сервис" тўй либослари саломи очдим. Турмуш ўртоғим Хусниддин Исмаилов ҳам мени қўллаб-қувватлади. Ўша вақтда корхонамда бор йўғи 3 та иш ўрни бор эди, холос. Бугунги кунга келиб, 25 нафардан зиёд ёшларни иш билан таъминладим.

Тадбиркор кейинчалик тижорат банкидан 150

ГУЛЧЕҲРАНИНГ ҚЎЛИ ҲАМ ГУЛ



миллион сўм имтиёзли кредит олиб, Жумабозор қишлоғида ҳам корхона филиалини очди. Бу ерда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Ҳозир салонда тўй ва миллий либослар, безаклар, элита пардалар, сарполар ҳамда пиширилган тайёрланмоқда. Шунингдек, ёшлар ва уй бекалари учун бухгалтерия, уй ҳамшираси, сарта-рошчи, пазандчилик, тикувчилик, массаж, компьютер, рус ҳамда инглиз тили каби йўналишлар бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган.

Хар ой корхона томонидан 30 нафардан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож, буювчинини йўқотган, ҳам таъминланган оила фарзандлари касб-хунарга бепул ўқитилапти.

Янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва

микрофирмаларни режалар солик текширувларидан озод этиш мuddати икки йилдан уч йилга узайтирилди, дейди тадбиркор. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларида уч йил давомиде солиқ текширувларини ўтказиш таққилангани ҳам биз учун катта имконият бўлди.

Яқинда Гулчеҳра опа банкдан яна 300 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, Янгибозордаги "Ешлар боғи"нинг шундоққина ёнгинасида икки қаватли тўй ва маросимлар залини қуришни бошлади. Шу экин кунларда ушбу бино ишга тушгач, яна камида 10 киши ишли бўлади.

Латифжон МАНСУРОВ.

ИМКОНИАТЛАР ПАЛЛАСИ

Тошкент вилояти божхона бошқармаси "Келес" ташқи иқтисодий фаолият божхона постида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури доирасида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, тадбиркорлар, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар ҳамда чегарадош маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳоли вакиллари иштирокида очик мулоқот ўтказди.

Очик мулоқот

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини қисқартириш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, ташқи иқтисодий фаолият ҳам бу соҳанинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, очик мулоқотда соҳадаги муаммоларни тезкорлик билан ҳойда-бартараф этиш, аҳолининг божхоналар иштини такомиллаштиришга доир тақлиф ва мулоҳазаларини ўрганиш каби масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишда божхона соҳаси-

да қабул қилинган ёки тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар қилинган қўшма норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Мулоқот иштирокчилари ҳам мамлакатимизга импорт қилинаётган товарлар учун турли вазирлик ва идоралардан олинадиган рухсатнома тусидаги ҳужжатларни бериш мuddатларини қайта қўриб чиқиш, божхона органлари фаолиятига жорий қилинган ахборот тизимлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва масофадан туриб кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш бўйича ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Ўз мухбиримиз.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Заркентга борган одамнинг кўзи беихтиёр қарши-сидига пурвиқор тоғ тизмаларига тушади. Мағрур тоғлар гўё сизга пешвоз чиқадиғандек. Тоғ оша мўралаган қуёш заррин нурларини йўлларингизга поёндоз қилаётгандек туюлади. Қишин-ёзин кўм-қўқ бўлиб, барқ уриб турган салобатли арчалар келган меҳмонни қишлоққа кузатиб қўяди, гўё. Ойнадек яққираб турган асфальт йўлдан юрак экансиз, атрофда ястаниб ётган узумзору боғларни кўриб, завқланасиз. Қўли гул бўбонлар яратиб қўйган мўъжизага тасанно айтасиз.

Қишлоқда зумрад янглиғ кўзларни қамаштиргудек маҳобатли бинога кўзингиз тушади. Яқинроқ борсангиз шаҳардагидан қилишмайдиған тўйхонани кўрасиз. Бу бахт қошонасида қишлоқ одамлари тўй-тантаналарини, шод-ёналарини, савдатли кунларини нишонлайдилар. Ушбу масканга ташриф буюрган борки, юракдан шу сўзларни айтади: "Шундай кўркам тўйхонани қурганининг отасига раҳмат".

Ҳамқишлоқлари тилларидан тўқилаётган хуш дуоларни эшитган Норҳол ақанинг кўнгли яйраб кетади. Истиклол берган имкониятлардан ўз вақтида оқилона фойдаланган Норҳол Дехқонов мустақиллик туғайли ишбилармонга, тадбиркорга айланди.

Икки кам олтимиш ёшдан, дейди Норҳол ака. Умримизнинг 30 йили ҳайдовчилик билан йўлларда ўтди. Отам оддий дехқон бўлган. Озгина маоши билан оила боқарди. Жуда танг аҳволда яшардик. Эсимда, уйимизнинг томидан чакка ўтарди. Қўлимиз калта бўлгани боис, ўқишга им-

Бошлонғим 1-бетда.

коният йўқлиги учун рўзгорни бутлаш умидида отамнинг ёнига кирдим...

Йўллар. Йўлларда ўтган йиллар Норҳол ақани тоблаб борди. Каерга борса, ўша ердан ниманидир ўрганишга ҳаракат қилди. Ғайрати, шижоати унга тинчлик бермасди. Нимадир қилгиси, қандайдир янгилик яратгиси келарди.

Умр мисоли оқар сув. Кунлар ойларга, ойлар эса ўз ўрнини йилларга бўша-тиб бериб, умр карвони ўтаверди. Юртимизда ис-

гитнинг сўзларини диққат билан эшитди. "Ишонсан бўладими?", деди раис бува. "Ишончингизни оқлайман", деди йигит қатъий.

2003 йил эди ўшанда. Қишлоғимиздаги узумларга хориждан харидорлар кела бошлади. Келган миқдорларнинг ҳордик чиқариши учун жой муаммо эди. Шунда раис буванинг хузурига кириб, "бир сўлим маскан барпо қилсам", деган ниятини айтди. Улар обдон ўйлаб, сўнг рози бўлди, деб эс-

Кунлар ўтиб, фермер иш қўламини кенгайтиришни, яъни, етиштираётган маҳсулотларини ўзлари хорижга экспорт қилишни режалаштирди. Фермерлар етиштирган маҳсулотларини сақлаш учун музлаткич керак. Музлаткич қуриш учун эса катта миқдорда маблағ зарур бўлади. Вақт ўтказмай, тегишли мутасадди ташкилот раҳбарлари хузурига борди. Маҳсулотларини сақлайдиган музлаткич қуриш режасини айтди.

Банкдан 200 миллион

қайси бирини минсам экан, дея танлайман. Бу мақтанмиш эмас, бу мустақиллик берган бахт. Бу меҳнатдан топилган хузу. Ота-буваларимиз илгари шундай яшашга маҳкум-миз, деб ўтиб кетаверган экан-да. Шундай кунларни, амалга ошираётган ишларимни отам-онам ҳам кўрганда эди, дея кўнглимга ҳазинлик чўқади, баъзан.

Норҳол Дехқонов билан суҳбатимиз боғ ёнидаги шинам шийпонда давом этди. Боғ ортидаги оғилхона томонидан ақанинг аёли Набира опанинг сизга сўзлаётгани эшитилиб турарди. Тонгда майин эсаётган шамолда шовул-лаб турган боғларга разм солиб: "Бу йил ҳосилнинг чўғи қандай бўлди?", дея савол бераман.

Боя айтдим, гилосдан 20 тонна ҳосил олдик. Олмаларда ҳам ҳосил мўл. Насиб қилса, 50 тонна терамиз, деб турибмиз. Узумларимиз ҳосили ҳам ёмонмас. Уларни экспорт қилаяпмиз.

Биз юқорида ҳавас ҳақида сўз юритгандик. Бу беҳижга эмас. Ишидан барака толиб, эл дуосини олаётган тадбиркор оиласини чинакам ҳавас манзилига айлантирганлардан. Рафикаси Набира опа билан уч қиз, бир ўғлини воёга етказиб, уйил-жойил қилиб, айни кунда бир этак набираларнинг меҳрибон буvasига айланган.

Ниятга қараб амал, деган гап бор халқимизда. Тадбиркорлик, ишбилармонлик, фермерликнинг бошини тутган вақтдаёқ Норҳол ака ниятини холис қилган эди. Топганларига тинимсиз меҳнатлари орқали эришиб келмоқда. Ўзи айтганидек, шиддаткор бу замонда бир сония тўхтаб қолган одам ютказади.

Дилфуза МИРОБИДОВА.

ҲАВАС МАНЗИЛИ



тиқлол эпкинлари эсди. Одамлар ҳали мустақилликнинг имкониятлари қай даражада эканлигини ҳис қилмасалар-да, эртанги кунга умид билан боқиб, олға интилаверди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин савдотик билан шуғулланаётган танишларим билан бирга хорижа бора бошладим. Одамларнинг яша-и, иш билган ютқазмаслигини кўриб, ўрганиб, фойдали бир ишнинг бошини тутишим кераклигини ҳис қилдим.

Норҳол ака ҳаёлида пиширган режаси ҳақида расисга маслаҳат солди. Ҳўжалик раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, раҳматли Тожибой ота Ризаев йи-

лайди тадбиркор.

2003 йилнинг қаҳратон қиши. Раис бува Норҳол акага ярим гектар майдонни ажратди. "Сендан умидим катта", дея қанот бағишлади. Ишонч, шижоат, омиқкорлик Норҳол акага қувват бўлди. Ердан қор кетиб, кўккам эшик қоқа бошлаганда қурилиш ишларини бошлаб юборди. Тинимсиз меҳнат ўз маҳсулини кўрсатди. Уч ойда кўркам, киши кўзини қувнатадиган ошхона, чойхона, ётоқхона, ҳаттоки, ҳаммомлари бор маскан бунёд бўлди. Шу тариқа Норҳол ака "Заркент саховат" фермер хўжалигига асос солди. Узум, олма, гилос каби меваларни етиштира бошлади.

сўм кредит олиб, 2011 йилда 300 тонна маҳсулот сақлайдиган музлаткични ишга туширдик, дейди суҳбатдошимиз. Мухими, янги иш ўринларини очилди. Бу йил 20 тонна гилос ва шунча миқдорда ўрикни хорижга экспорт қилдик. Ўғлим Нодиржон ҳозирда "Паркент экспорт" агрофирмаси ишлари билан шуғулланмоқда.

2014 йилда Норҳол Дехқонов яна бир хайрли ишга қўл урди. 400 миллион сўмлик кредит хисобидан қишлоқда тўйхона барпо этди. Атиги бир йилда 550 ўринга мўлжалланган тўйхона қуриб, битказилди.

Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади, дейди Норҳол ака. Атрофга боқинг, дарҳақиқат, одамлар бахтиёр. Юз-кўзларида шукроналик, уй-жойлари обод, айтиш жоизки, бугун қишлоқ мулкдорларининг дунёқарашини, турмуш тарзини тубдан ўзгарган. Мухими ҳаловати бор. Хохлаган уйингизга кириб кўринг, эшиги олдида 2 тадан машина яққираб турибди. Ўзим ҳам бугун

XIII халқаро ўзбек пахта ва тўқимачилик ярмаркаси олдида

ЎЗБЕКИСТОН ЭРТАПИШАР НАВЛАР СЕЛЕКЦИЯСИ БЎЙИЧА ДУНЁДА ПЕШҚАДАМ

Бу борада эришяётган натижалар Германиянинг "Cotton Outlook" журналида бир неча бор эътироф этилган. Нашр мутахассисларининг таъкидлашича, Ўзбекистон пахта етиштириш технологиясининг икки йўналишида, яъни кўсак куртини кенг қамровли назорат қилиш ва эртапишар навлар селекцияси дастури бўйича дунёда пешқадам.

Марказ тизимидаги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳам қатор ютуқларга эришмоқда. Илмий жамоа минтақамиз иқлим шароитига мос бўла навларини яратиш, уларга ишлов бериш технологияларини такомиллаштириш, табиий ресурсларни тежаш ва дехқонлар манфаатдорлигини оширишга хизмат қилаётган илгор усулларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Институтда бўзани парвартишлаг агрофабрикаларини такомиллаштириш, ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш, илм-фан ютуқлари ва илгор тажрибани пахтачиликка кенг жорий этишга қаратилган кенг қамровли тадқиқотлар давом этмоқда. Жумладан, бўза ва бўза маҳмулидаги экинларни парваришладда ўрганилаётган янги агротехнологиялар ёрдамида пахта ҳосилини гектарига 2-3 центнерга ошириб, умумий ишлаб чиқариш харажатларини гектарига 15-20 фоиз камайтириш мумкинлиги исботланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун замонавий дехқончиликнинг илмий асослари ишлаб чиқилиб, турли табиий иқлим шароитида тупроқ унумдорлигини оширадиган бўза ва издош зироатлар етиштириш, алмашлаб ва на-



батлаб экиннинг бўза, галла ва бошқа ўттиздан ортиқ экинини етиштириш технологиялари такомиллаштирилди.

Соҳага ёшлар ҳам дадил кириб келмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида 10 дан ортиқ ёш изланувчи бўза селекцияси, уруғ сифатини яхшилаш ва юқори ҳосил олишга қаратилган илмий диссертацияларини ҳимоя қилди.

Агротехнология бузилса, яхши уруғдан ҳам мўл ҳосил олиб бўлмайди, дейди институт катта илмий ходими, ёш олим Мирзоилим Авлиёқулов. Чунки, ҳосилдорликда кўчат қалинлиги, ўғит меъёри ва сугориш тартибининг ўз ўрни бор. Ана шу ҳолатларни эътиборга олиб, яратилаётган янги навларнинг агротехнологиясини ишлаб чиқиш борасида изланишлар олиб бораёпман. Ҳозир бўзанинг сувга бўлган талабини тезкор аниқлашда электрон рефрактометрдан фойдаланмоқдамиз. Бунда лавтани тежашга ва сугориш мuddатини ўз вақтида аниқлашга эришилмоқда. Далада тупроқнинг шўрланмиш даражасини тезкор аниқлаш усуллари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Навбатдаги пахта ярмаркаси ҳам илм-фан янгиликларини оммалаштириш, тармоқда амалга оширилаётган ислохотларни жадаллаштириш билан бир қаторда ўзбек пахтасининг жаҳон бозорига янада жадал кириб бориши учун самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА, Ўз мухбири.

Истеъмолчи бурчаги

Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар, турли хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро муносабатларини тартибга солишга хизмат қилмоқда.

ИШОНЧНИ СОТИШ МУМКИН СОТИБ ОЛИБ БЎЛМАЙДИ

Фуқаролардан келаётган мурожаатлар эътиборсиз қолмайди, дейди вилоят Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси раиси ўринбосари Бурҳон Қувондиқов. Жорий йилнинг ўтган даврида 419 та шикоят ва ариза кўриб чиқилиб, 364 таси ўз ечимини топди, 55 таси кўриб чиқиш учун тегишли идора ва ташкилотларга юборилди.

Таъкидлаш жоиз, бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг қонун билан белгиланган ҳуқуқларини библишлари катта аҳамиятга эга. Айни вақтда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур чоралар кўриломоқда. Ҳудудий бирлашмага ангреник Ш. Усмонов шаҳар дехқон бозорида жойлашган якка тартибдаги тадбиркор Р. Холовага қарашли савдо дўконидан 75 минг сўмга кўл соати харид қилгани, аммо у сифатсиз чиққани сабабли сарфланган маблағини қайтариб олиш бўйича ёрдам

сўраб, мурожаат қилди. Мурожаат жойига чиқиб ўрганилди ва ҳақиқатан ҳам, истеъмолчи харид қилган маҳсулот талабга жавоб бермаслиги аниқланди.

Худди шунингдек, Юқори Чирчиқ тумани, Жумабозор қишлоғи, Тафаккур қўчасида яшовчи фуқаро Д. Юсупова Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вилоят ҳудудий бирлашмасининг "ишонч телефони" орқали Зангиота тумани ҳудудида жойлашган "Бек-барака" савдо мажмуасидаги 71-дўкан ташқарисидан 85 минг сўмга харид қилган эркаклар кийими сифатсиз чиққанини юзасидан шикоят қилди. Бирлашма ходимлари томонидан масала ҳрийга чиқиб ўрганилди ва мурожаат тасдиқини толиб, унга ҳам сарфланган маблағ қайтариб олинишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Бошлонғим 1-бетда.

□ Давлат сиёсати – амалда

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши томонидан Янгийул туманидаги 5-Болалар ва ўсмирлар санъат мактабида ёшлар орасида ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, уларни турли оқимларнинг зарарли таъсирларидан сақлашга қаратилган "Биз ёт ғояларга қаршимиз!" шиори остида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, ўз ҳаётий позициясига эга, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбияланиш давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев юритаётган сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат

сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонида ҳам ёшларнинг илмий ва баъдий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фой-

ЁШЛАР — ЁТ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ

даланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, "оммавий маданият" ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантиришнинг долзарблиги алоҳида қайд этилган.

Давра суҳбатида иштирок этган "Олтинобод" жоме масжиди имом-хатиби И. Муҳиддинов ўз маърузасида таъкидлашча, ёт ғояларни тарғиб қилувчи гуруҳлар интернетдаги "YouTube" каналидан кенг фойдаланаётган экан. Бу жараёнда кўп вақтини интернетда ўтказувчи, вақтинча ишсиз, хорижда бўлмаган пул топишга қизиқётган, ижтимоий ҳолатидан норози шахслар уларнинг асосий нишонига айланмоқда.

Қолаверса, жаҳон оммавий ахборот воситалари бугунги кунда халқаро ҳамжамият хавфсизлигига таҳдид солаётган ИШИД террорчилари ўз сафига қўшилаётган жангариларнинг саксон фоизини айнан интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ёллаётгани ҳақида бонг урмоқда.

Давра суҳбатида Янгийул маданият ва санъат коллежи психологи Ф. Ибагеева ҳам дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган даҳшатли воқеалар ва ахборот хуружларининг ёш авлод онгига таъсири ҳақида маълумот берди.

— Бугунги тadbир орқали ёшларимиз юртимиздаги тинчлик ва фаровонликни қадрига етишлари лозимлигига яна бир қарра амин

бўлишди, — дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши жамоатчилик билан алоқалар бўлими мудири Шоира Охунжонова. — Навқирон авлодни турли ёт ғоялар таъсиридан асрашда маънавий ва мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш энг самарали ва кучли ҳимоя воситасидир. Ёшлар бор эътиборини билим олиш, касб-хунар ўрганиш орқали Ватанимиз раънақи учун хизмат қилишга қаратиши лозим.

Тadbир давомида ҳаваскор раънақчиларнинг ижодий ишларини намойиш қилишди. Уларга Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши томонидан эътибор қилинган тақдир билан тўғри келди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

БАРДАВОМ АНЪАНАЛАР

Маҳалла. Тинчлик, осойишталик, меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, бағрикенглик, бирдамлик каби тушунчаларни ўзида намойн этган ғўша. Унда урф-одат, анъаналар бардавом. Зеро, маҳаллани тарбия ўчоғи, дейишлари ҳам бежиз эмас. Фарзандларимиз тарбиясида, уларнинг ҳулқ-атвори, одоб-ахлоқида маҳалланинг ўрни ва роли бекиёс.

□ Ижтимоий шериклик

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ, маҳалла институтини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам шундан. Ўтган йиллар мобайнида маҳаллаларга ўзини ўзи бошқариш органи сифатида ҳуқуқ ва эркинликлар берилди. Уларнинг моддий-техник базаси яхшиланди. Маҳаллалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкиллаштирилаётган тadbирлар, "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари", "Маҳалла — менинг тақдиримда", "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи" каби кўрик-танловларнинг ўтказилиши, турли грантлар ажратилаётгани уларни янада руҳлантираётди.

— 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаол иштирокини таъминлаш" мавзусида давлат грантида иштирок этдик, — дейди Олмалик шаҳридаги "Камалак" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шухрат Абдуқодиоров. — Меҳримиз сизга" номли лойиҳамиз билан грант ҳолиби бўлдик. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг бажарилишида маҳалла институтининг ўрнини кўрсатиш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг жамиятдан ажралиб қолишларининг олдини олиш лойиҳанинг бош мақсади бўлиб, у тўққиз ойга мўлжалланган. Унда

вазифалар босқичма-босқич амалга оширилади. Унинг биринчи босқичи "Ҳар бир муаммонинг ечими — муроаси мадори" мавзусида бўлиб, бунда қайнона-келин муносабатларига урғу берилди.

— Оила тинч-тотувлиги кўп жиҳатдан аёлларимизга боғлиқ, — деди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Лола Дехқонбоева. — Бинобарин, осойишта ҳонадонда кутбарак бўлади. Баъзида қайнона-келин муносабати кўлгоғинизга чалинади. Шундай пайтда, албатта, улар билан суҳбат ўтказамиз. Маҳалламизнинг кўпчи қўрган онахонлари келинлар қаторида қайноналарга ҳам панд-насихат қиладилар.

Шундан бўлса керак, лойиҳа доирасида ушбу мавзуга кенг ўрин берилди. Шаҳардаги барча маҳаллаларда қайнона-келинлар иштирокида учрашувлар уюштирилди. Унда мутахассислар, маҳалла фаоллари мавзуга доир билим ва тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, лойиҳа доирасида шоира Марҳаб Каримова билан давра суҳбати ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" тadbiri ўтказилди. 43 та маҳалла қамраб олинган тadbирда уюшмаган ёшлар билан алоҳида ишлаш, юрт тинчилигини асраш, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўлиш хусусидаги фикр-мулоҳазалар билдирилди. Лойиҳада "Ёрдамга келдик" акцияси муҳим аҳамият касб этди. Унда шаҳардаги ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, улар моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Ирода НОРОБОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Хирмонга барака!

Сахий ва саховатли олтин куз фасли ўзининг таровати билан юртимизда меҳмон бўлиб турибди. Боли боғларни тутиб кетган ҳосилларни йиғиштириб олаётган боғчаларнинг чехрасидаги қувончни кўриб яйраб кетсангиз, қордек оппоқ пахтазорларда хирмонини тоғ мисоли уяётган пахтакорларга "хирмонингизга барака", дегингиз келади.

Албатта, таъбир жоиз бўлса, бугун юрғида шижоат бор одам борки, пахтакорларга ёрдам беришга, тобора юксалиб бораётган "оқ олтин" хирмонига ўз хиссасини қўлиш учун шошилмоқда. "Паркент тонги" тахририят ходимлари ҳам ўз иштироки билан пахта далаларига отланди. Қўз-қонғи илик ҳавоси, киши танасига ҳузур бағишлайдиган офтоб шуъласи далаларда очилиб ётган оппоқ пахталар узра ёйилган паллада биз Қўйи Чирчиқ туманининг "Дўстлик" ҳудудида қарашли "Махматхон Хизр" фермер хўжалиги далаларида жавлон уриб, пахта тараётган фидойи ёшлар отрядига бориб қўшилдик. Далаларда ҳосил қўйи мўл, чаноклардан сиймай, тўкилишга шай турган оппоқ пахтани ҳузур қилиб таради, киши. Шижоат билан пахта тараётган ёшлардан қилиб кетмаслик учун биз ижодкорлар ҳам белни

«САХИЙ КУЗ КЎКСИДА ЮКСАЛГАН ТОҒСАН...»



маҳкам боғлаб, эгатларга эгилдик. Дастлаб қўллари-миз унчалик келишмасида, оз фурсатдан сўнг вазиятга мослашдик.

"Махматхон Хизр" фермер хўжалиги далаларида биринчи терим бўлгани учун осилиб турган лўппи-лўппи пахталарни ҳавас билан тердик.

Терилган пахта, қилинган меҳнатнинг маъсули тарозида тортилганда биланган экан. Шўх-шодонлик, хуш кайфиятда терган пахталарни тортириб, ҳамма тушликка чиқди. Шу кунни маънавий тadbир ҳам уюштирилди. Дастлаб, "Паркент тонги" газетаси муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир сўз олиб, туманимиз фидойи ёшларига пахта мавсумида кўрсатаётган шижоатлари учун миннатдорчилик билдирди. Энг илғор теримчиларга тахририят томонидан ташкил этилган совғалар ва 40 дан зиёд баъдий китоблар тақдим этилди. Махмуд Тоир уларга янги

шеърларидан намуналар ўқиб берди.

— Банд бўлмаган ёшлардан ташкил этилган ушбу отряддаги йигит-қизларимизнинг ҳаммаси меҳнаткаш. Мавсумда уларга барча шароитларни яратиб беришга ҳаркат қилмоқдамиз. Қўриб турганингиздек, улар меҳнатларига яраша рағбатлантириб боришмоқда, — деди туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Зулфия Махсудова.

Ёшлик беғубор фасл. Ёшлик гўё оппоқ тонгга ўхшайди. Ўша кун билан, ижодкорлар кечгача ёшлар билан бирга бўлиб, улардан куч-ғайрат олди. Офтоб чекиниб, далаларга кеч туша бошлаган паллада туманимизнинг ёшлари билан хайрлашиб, ортга қайтдик. Ҳаммамиз хуш кайфиятда эдик. Чунки, юксалиб бораётган оқ олтин хирмонидан бизнинг ҳам бир чимиди бўлса-да, ҳиссамиз бўлади.

Дилфуза МИРОБИДОВА.

□ Партиялар ҳаётидан

МАҚСАД — ОДАМЛАРНИ ТАДБИРКОР ҚИЛИШ

Бозорларимизнинг мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан тўлиб-тошгани мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш, аҳоли томонидан унумли фойдаланишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайлидир.

Маълумки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда фермер тадбиркорларнинг ҳиссаси катта. Шу жиҳатдан қараганда, улар сафини кенгайтириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий партиялар, хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — О'зЛиДеР томонидан ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мисол учун, партия Паркент тумани кенгаши масъул ходимлари "Сўқоқ" маҳалласида истиқомат қилувчи Йўлчи Ҳасанов

оиласига деҳқончилик қилиш учун ер ажратилишига кўмак берди. Тегишли лойиҳа асосида олиб бориладиган иш жараёнида Чанги қишлоғида яшовчи Хулқар Турдимуродова ярим тайёр ва нон маҳсулотлари сотиш учун патент сўраб қилган мурожаати беъэтибор қолгани аниқланди. Муҳими, унинг ҳаракати бесамав кетмади — тадбиркорликни бошлаши учун зарурий ҳужжатларни олиши таъминланди. Бу каби мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Айни дамда мазкур сиёсий кучнинг Паркент тумани кенгаши қошидаги ўттиз саккизта бошлан-

ғич ташкилоти 323 аъзони бирлаштирган. О'зЛиДеР фаоллари ўзларига бириктирилган хонадонларга ташриф буюриб, тадбиркорлик ва томонидан унумли фойдаланиш, оилалардаги турмуш шароити ва ижтимоий-маънавий мухитни, имкониятларни ўрганмоқда, аҳолини ҳар томонлама фол бўлишга ундаётди.

Бу ишлардан қўзланган асосий мақсад — турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, одамларни тадбиркор қилиш, бугундан рози бўлиб яшаш, эртасига ишончи мустаҳкамланишига эришишдан иборатдир.

Холмурод САЛИМОВ.

МАҲАЛЛАДА САЙЁР ҚАБУЛ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Бекобод туманининг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган "Найман" маҳалласида "Фидойинг бўлганимиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида сайёр қабул ташкил этилди.

Сайёр қабулни партия вилоят кенгаши раиси Махмуд Назаров кириш сўзи билан очиб, вилоятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳақида гапириб ўтди. Шундан сўнг, вилоят ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бўлимида ходими Абдулазиз Аширматов, "Туркман" жоме масжиди имоми Эрали Сариев

сўзга чиқишди. Мулоқот давомида аҳоли билан дилдан суҳбат бўлиб ўтди. Маҳалла фахрийларидан Умрзоқ ота Эргашев, Абдуваҳоб Эшонқулов, Эркин Алибеков ва бошқалар сўзга чиқиб, маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар, хусусан, эски сим-ёғочларни янгилаш, йўлларни асфальтлаш, ҳудуддаги 17-мактабгача тар-

бия муассасасининг қўшимча биносини қуриб, кенгайтириш сингари муаммоларни ўртага ташлашди ва бу саволларга тўлақонли жавоб олишди. Шу кун маҳалла ахли "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ўтказилган сайёр қабулдан мамнун бўлиб қайтдилар.

Мурод АШУРОВ.

АДОЛАТ БИЛИМДОНЛАРИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қибрай тумани Кенгаши томонидан партиянинг "Куч — адолатда!" лойиҳаси доирасида "Адолат билим-донин" кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

Тadbирни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимлари, онги ва маданиятини юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларда эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, уларнинг фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлаш, Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳини шакллантириш, иқтисодий ёшларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш ҳамда Ўзбекистон

"Адолат" СДП дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишдан иборат.

Танловда Қибрай туманидаги молия-иқтисодиёт, энергетика, агротехкорат, Чингелди маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежлари ҳамда 15-умумтаълим мактабининг ўқувчи-ёшларидан иборат жамоалар қатнашди. Иштирокчилар "Таништирув", "Сиёсий соҳадаги билимлар беллашуви", "Уйга вазифа" шартлари бўйича ўзаро беллашдилар.

— Бу каби танловларнинг ўтказилиши жамиятда қонун устуворли-

ги ва барқарорлигига эришиш, мамлакатимизда эркин демократик давлат, кучли фуқаролик-жамияти барпо этишга кўмаклашиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқий, сиёсий таълим-тарбияни янада такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга, — дейди партиянинг туман кенгаши раиси Азамат Ақромов.

Кўрик-танлов якунларига қўра, агротехкорат касб-хунар коллежи жамоаси барча шартларда юқори натижа қайд этди. 1-ўрин ҳамда танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Зулхайро ЧЎЛПОНОВА.

□ Кулайлик

Асосий вақтини кўча-кўйда бекорчилик билан ўтказадиган ёшлар турли нопок йўللарга кириб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятга қўл уриши ҳеч гапмас.

ОЛМАЛИҚНИНГ ОЙДИН МАНЗИЛИ

Ёшлар таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган мамлакатимизда йигит-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тadbирлари тўғрисида"ги қарори фикримиз тасдиғидир. Қарор доирасида вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида ана шундай марказлар ташкил этилган.

Олмалик шаҳридаги маданият ва аҳоли дам олиш марказига ёшлар қатори катталар ҳам тез-тез ташриф буюрадилар. Бу ерда халқимизнинг миллий анъаналари ва урф-одатларини ўзида акс эттирган дастурларни нафақат томоша қилиб, хордиқ чиқаришлари, кўнгил ёзишлари, балки, унда бевосита иштирок этишлари ҳам мумкин.

Марказда "Шахноз" намунали болалар рақс дастаси, "Полвон", "Нихол" халқ хаваскорлик ва "Навбахор" фольклор жамоаси каби 21 та маданият тўғарак фаолият юритмоқда. — 300 нафардан зиёд ёшлар ўзлари қизикқан машғулотлари билан шуғулланидилар, — дейди марказ раҳбари Ибодулло Исмийилов. — Қолаверса, улар юртимизда ўтказилаётган руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, ёшлар ўзбек халқининг бой маданий меросини ўрганиб, уни асраб-авайлаб, дунёга танитишга ҳисса қўшмоқда.

Даровеке, марказ қошида "Оила мактаби" очилди. Унда қизлар, келинлар бичиш-тикиш, сарта-рошник, уй ҳамширалиги, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш сирларини ўрганмоқдалар.

Ирода МАКСУДОВА.

Тақдирнинг ўйинини қарангки, яқинда Келесдаги бош шифокор А. Содиқов Охангаронга 1 ой муддатга бош шифокорнинг вазифасини бажарувчи бўлиб ишга келади.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, А. Содиқов ишга тайинлангандан кейин жаррохлик бўлими фаолиятини текширишга тушади, жиҳозлар қаердан келтирилганини сўраб-суриштиради. Шу мақсадда комиссиясига тузилди. Комиссия аъзоларига бўлимга ҳолийлик қилган инсонлар ўз қўлларини билан тилхат ёзиб бериши-ди.

Шу орада бўлимга бир бемор қорин бўшлиғида йиринг билан келади. — Мен шифокор сифатида жароҳатдаги йирингни олиб, бирламчи ёрдам кўрсатдим. Бош шифокор эса: "Бу ишни яширинча қилган" деб, менга ҳайфсан эълон қилди. Жуда

хафа бўлдим. Ахир, мен беморга шифокор қилиши керак бўлган ёрдамни кўрсатдим. Бош шифокорга: "Агар ўзингизнинг қариндошингиз бўлса, нима қилган бўлардингиз?",

қолмади. Бош шифокор Абдуваҳид Содиқов "ташаббуси билан" вилоят ва Ангрэн шаҳар ДСЭНМларининг қўшма комиссияси қақиртилди. Улар келиб, аввалги маълумотнома-ларни инкор қилиб, бўлимнинг иш фаолияти вақтинча тўхта-тилсин, деган ҳулоса беришди. Қиёмиддин ака Ангрэн шаҳар санитария-эпидемиология назорати марказида май ойида ўтказилган текширув ҳулосасини сўрайди, лекин рад жавобини олади.

— Бугунги кунда бўлимдаги назоратда бўлган беморларга тахшиш қўйиш учун юқоридаги буйруқ қўлимизни калта қилиб қўйди, — дея фикрини давом эттиради шифокор. — Тўқимадан намуна олишимиз керак. Унга эса рухсат йўқ. Аросатда

қилиб кетдик. Лекин, бошлаган ишимни ярим йўлда ташлаб кетиш ниятним ҳам йўқ. Мен бу ишларни ўз шахсий манфаатим учун қилаётганим йўқ, ахир. Кимдир жон қуйдириши

қилиб кетдик. Лекин, бошлаган ишимни ярим йўлда ташлаб кетиш ниятним ҳам йўқ. Мен бу ишларни ўз шахсий манфаатим учун қилаётганим йўқ, ахир. Кимдир жон қуйдириши

қилиб кетдик. Лекин, бошлаган ишимни ярим йўлда ташлаб кетиш ниятним ҳам йўқ. Мен бу ишларни ўз шахсий манфаатим учун қилаётганим йўқ, ахир. Кимдир жон қуйдириши

қилиб кетдик. Лекин, бошлаган ишимни ярим йўлда ташлаб кетиш ниятним ҳам йўқ. Мен бу ишларни ўз шахсий манфаатим учун қилаётганим йўқ, ахир. Кимдир жон қуйдириши

Мактабдан мактублар

Фарзандингизни нега мактабга жўнатасиз? Билим олганими ёки ўйнаб келгани? Нега мактаб ўқувчининг тўлақонли билим олиши учун ҳалал бераётган ва унинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган сенсорли мобил телефонлардан фойдаланишни тақиқласа, ота-оналаримиз фарзандининг келажагини ўйлаб қилинаётган бу саъй-ҳаракатларга бунчалар эътироз билдиришди. Бу жараёнда ўқитувчининг обрў-эътибори, ҳурмати қаерда қолади? Уни қим ҳимоя қилади? Дейлик, мактабга формасиз келган ўқувчига: "Сен нега мактабга формасиз келдинг?", деб гапирсанг, эртаси куни "адвокат" отаси келади: "Нега бутун синф олдида қизимни уялтирдингиз, ҳамманинг олдида кечирим сўрайсиз..." Қани, ўқитувчига бўлган ҳурмат? Қани, мактаб тартиб-интизомига бўйсунуш?

ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

мактабда давом этади

Умуман олганда, мактабга сенсорли мобил телефон олиб келиш ва ундан фойдаланиш қанчалик зарур ва муҳим? Гоҳида фарзандларимиз келажаги учун қилинаётган хатти-ҳаракатларимизга ота-оналарнинг муносабатидан мактабга, на ўқитувчига бўлган ҳурматни кўрасан, киши. Оддийгина алоқа воситасини фарзандингиз қўлига бериб, унинг аҳолидан хабардор бўлиб туришининг ўзи кифоя эмасми?

Нега айнан ота-оналаримизнинг ўзлари фарзандларини беҳаёлик ва зўравонликларни кўришга, ҳар хил сайтлардан билиб-билмай фойдаланишларига йўл очиб бераёпти? Фарзандларимиз тарбияси билан шуғулланишга, уларни турли ташқи муҳитлардан ҳимоя қилишга фақат мактаб масъулми?

Сиз, ота-оналар фарзандингизни қаёққа қараб тортаёсиз? Бугунги кун боласига танбех



бериб бўлмаса. Сал гапирсанг, ота-она ҳозир нозир. Бошқа вақт на ота-оналар мажлисларига келади, на фарзандимнинг тарбияси ва ҳуқуқи қандай, деб сўрашни билади. Мактаб таълим билан тарбияни бир маромда

олиб бораётган бир пайтда ота-оналаримизнинг орасида тушунмовчиликлар ортиб бораёпти. Ўқитувчи ва мактаб жамоасини ҳимоя қилувчи қир борми? Қимлар уни ҳимоя қила олади? Қандай қонун ёки ҳужжат борки, ўқитувчи ва директорни ҳимоя қила олаётган?

Бугун ота-оналар ҳамда педагогик жамоа, мактаб маъмурияти бир-галикда фарзандларимизни воёга етказмасак, уларни ташқи қушлар таъсирига тушиб қолишидан сақлай олаёми? Мақсадимиз бир экан, нега ҳеч қилишолмайми? Нега доим ўқитувчидан ё мактабдан камчилик қидираёрамиз? "Ўз болангни ўзинг асра", дейдилар. Ўзимиз бола тарбиясида, унинг билим олиш жараёнида қандай хатога йўл қўяётганимизни ҳеч ўйлаб кўраёми?

Гулистон ҚОДИРҚУЛОВА.

БАРЧАГА ТААЛЛУҚЛИ САВОЛ

Ҳадемай қиш эшик қоқади. Хўш, қишга тайёргарлик бўйича вилоятимиздаги қорхона ва ташкилотларда қандай ишлар амалга ошириляпти? Шу кезларда "Сиз қиш мавсумига тайёرمىсиз?", деган савол барчани ўйлантириши аниқ.

Қиш мавсумига тайёرمىсиз?

Ана шундай саволларга жавоб топиш мақсадида Оққўрғон тумани электр таъминоти қорхонасида бўлди. Туман аҳолисига сифатли ва узуқсиз электр энергияси етказиб бериш мақсадида энг шимариб меҳнат қилаётган жамоа, айниқса, қиш мавсумига ўзгача тайёргарлик билан ёндошмоқда.

Чунончи, ҳудудда 45,1 км.лик паст қўчланишлари ҳамда 28,3 км.лик юқори қўчланишлари ҳаво линиялари, шунингдек, 29 та трансформатор пунктлари мукамал таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, 102 та трансформатор пунктлари жорий таъмирланди.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, туманда 10 киловаттлик юқори қўчланишлари ҳаво линияларида модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Жумладан, Ҳамид Олимжон ҳудудидан 13,78 км.лик ҳажмда 388 дон 10 квт.ли янги темирбетон устунлари ўрнатилди. Маҳаллалар ичидан, томлар устидаги эскирган линиялар олиб ташланиб, йўл ёқасига чиқарилди. Ҳудуд аҳолисини мукамал электр



энергияси билан таъминлаш мақсадида ТП-38, ТП-147 трансформаторлари юқори қўчланишлари, янги трансформатор пунктларига алмаштирилди. Аҳолига қўшимча қўлайлик яратиш учун эса, Қуйи Чирчиқдан туман марказий подстанциясига 20 км.лик 35 квт.ли ҳаво линияларини тортиб олиб келиш ишлари аниқ дамада жадал давом эттириляпти.

Яна бир янгилик. Яқиндан бошлаб ҳудудда электр энергиясини замонавий кабеллар орқали етказиб бериш йўлга қўйилаётир. Аниқ дамига 220 километрдан зиёроқ узунликдаги ана шундай замонавий кабеллар ҳудудларга тортилди. Ишончли, қўлай ва хавфсиз бўлган бундай замонавий кабелларга талаб тобора ортиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Оққўрғон тумани электр таъминоти қорхонасида олиб борилаётган бугунги қизгин иш жараёни истеъмолчиларга сифатли ва мукамал электр энергияси етказиб беришга қаратилган.

Ўз мухбиримиз.

Тақдимот

Адабиётдан, матбуотдан бир оз хабардор киши борки, Аҳмаджон Мелибоевни яхши танийди. Ҳар қандай мавзунинг юмори билан сайқаллаб юборадиган адиб, замоннинг юрак уришини нозик ҳис қилиб турадиган публицист, сафарларда самимий суҳбатдош, қалтис вазиятларда ҳам ички маданият билан маслаҳат берадиган чин дўст, кўплаб тадбирларда ишбоши бўла келган

устоз номини каттаю кичик эътиром билан тилга олади. Унинг "Бир заминда яшаймиш", "Умидли дунё", "Ёлғиз яшаб бўлмайди", "Хуштакни қим қалади?", "Хотин йўғида", "Торнинг чўмичдан фарқи", "Умр учар юлдуз", "Қирқ бешинчи бекат", "Сувора соғинчи", "Иккинчи истеъдо", "Сафед Булон ҳикоялари" каби китоблари гоёят мароқ билан ўқилади.

«РИЗҚ ДАРАХТИ»НИНГ МЕВАЛАРИ

Куни кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ижодкорнинг навбатдаги янги китоби – "Ризқ дарахти"нинг тақдими ўтказилди. Узоқ йиллик изланишлар, инжа кузатишлар натижасида ёзилган публицистик асарлардан иборат тўплам "O'zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан chop этилган.

"Ризқ дарахти" китобига киритилган мақолалар турли

ли ёзишни қўйиллатади. Тўпламга кўз ташлаб, яхши публицистика намуналари фақат айна замоннинг эмас, ҳамма даврларнинг долзарб асарлари бўлиши мумкинлигига ишонч ҳосил қиласиз. "Ризқ дарахти"нинг меваларини таътиган китобхон руҳияти лазим маънавий озиқ олади.

Юрган дарё, деган гап азалдан фаҳми тез кишиларни ҳаракатга ундаб келган. Дарёдил Аҳмаджон аха баъ-



йилларда ёзилган. Мавзу ва услуби ранг-баранг, аммо барчасини бирлаштириб турадиган умумий жиҳат бор – бу Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, юртдошларимиз ютуқларидан қунониш, камчиликларидан қунониш ҳиссидир. Эътиборлиси, улардаги фикр-мулоҳазалар, таассуротлар ўқувчининг онгу қалбига қўчиб ўтади. Аҳмаджон Мелибоев ана шундай юкум-

зан ижодкор, баъзан масъул раҳбар сифатида диёримизнинг энг чекка ҳудудларига кезган, юртдошларимизнинг қувончу ташвишларига шерик бўлган, дунёнинг ўнлаб давлатларига сафар қилиб, ҳамма кўрган нарсалардан ҳеч қим илғамлаган хулосалар топган. Буюк адиб Чингиз Айтматов суви ичган булоқлардан сипқориб, аниқ-тиниқ ёзиш ҳади-

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

...Қачонлардир узоқ ўтмишда, қарийб минг йил бурун Оқсоқота дарёсининг юқори қисмига дахшатли жанг майдонларидан омон чиққан одамлар келиб ўрнашишди. Мақсадлари яшашда давом этиш эди.

Кўҳна тарих гувоҳи, ҳар доим шундай бўлган. Даврлар алмашиниши давом этган. Ҳали у, ҳали бу ерда уруш олови аланга олиб турган. Сўнг яна тинчлик бошланган. Ва ҳар сафар навбатдаги ҳаёт-мамот жангидан омон чиққанлар айнан шу ерда кўним топанлар.

Суронота номидаги тарихий жой ёзамизнинг V асридан буён маълум ва машҳур. Биринчи ўзбек археолог Яхё Ғуломов ва унинг шогирди, кейинчалик академик уновнига сазовор бўлган Ўткир Исмолов 1963 йилда бу ерда илк тадқиқот ишларини олиб боришди.

Айтишларича, авлиё Суронота қуш ва ҳайвонлар тилини билган. Дов-дарахтларни севган ва уларга ғам-

хўрлик қилган. У ўтган жойларда ноёб дарахтлар ўсган ва авлиёга қулоқ туттишган. Авлиё эса уларни қуроқчилик ва ёвуз қўллардан сақлаган.


Суронота "ўз уйи, ўлан тўшаги"га айланган қуюқ дарахтзор қўйнида мангу ором топган. Улкан терак унинг қабрига қуюқ соя ташлаб турибди. Теракларнинг ранги ва Суронотанинг улар билан мунтазам алоқасини ҳисобга олган аҳоли бу масканни Кўктеракота, деб атаган.

Авлиё одамларга ҳайратомуз мерос қолдирди. Мазкур яшил масканда қушлар овози тинмайди. Булоқ суви билурдай тиник, Тинчлик ва сокинлик ҳукмрон. Бундай сокинлик одамларни тинчлик

ва иноқликка мудом ундаб туради. Ҳад-худудсиз табиий оламни англаш, бойитиш ва қадрлашга руҳлантиради. Кексаларнинг ҳикоя қилишларича, бу ердаги улкан тераклар товуш чиқариб туради. Яна айтишадик, авлиё Суронотанинг "Дарахтларга озор берманг!", деган васыяти ҳам эшитилган. Навбатдаги тарихий воқеа шу ҳақда.

Пастликда, Оқсоқота дарёсининг қирғоғида яшаётган бир киши ёлғиз ўғлини ўлантиришга қарор қилади. Бунинг учун қурилажак уйга атаб, бир нечта теракни кесишни режалашди. Шу мақсадда, Кўктеракота муқаддас қадамжосига қўтарилади. Йиритқор

тераки мўлжалга олиб, болта уради. Дарахт инграб қарши олади. Аммо, эркак ҳеч нарсани эшитмай, бошлаган ишини давом эттиради. Ниҳоят, улкан терак биринчи қайқалиб, қўлай бошлайди. Теракзорда қучли ингрок янгради. Улкан дарахт ерга қулайди. Унинг кесилган жойидан қон оқа бошлайди. Одам дахшатдан қотиб қолади. У кўрди, ҳис этди: терак худди одам сингари йиғлар эди.



...Эркак уйига қайтиб келса, хотини ҳам уни йиғлаб қарши олади. "Ёлғиз ўғлимиз кўр бўлиб қолди", дейди у уввос қолиб. Ўғлининг ҳаракатсиз қўлигаги тикланган ота ҳам ҳайратдан тош қотади...

Жонли табиат ўт-ўлану турли гиёҳларнинг ёқимли иссларини бетиним таратиб туради, қушларнинг ҳўровозиди тинимсиз қўйлади. Тошларнинг қучи, тоғларнинг қудрати воситасида бизларга қувват бахш этади. Хўш, биз-чи? Бу ғамхўрликка жавобан табиатга нима бера оламиз? Ҳеч шубҳа йўқки, табиат учун бизнинг миннатдорчилигимиз ва, албатта, меҳр-муҳаббатимиздан бўлак улуғ совға йўқ!

Халқ "Кўктеракота", дея эъзозлайдиган Суронота табиатга шундай муносабатда бўлган эди.

Бу ердаги биринчи терак Суронота шу томонларга илк қадам қўйган пайтларда пайдо бўлган, дейишди кексалар. Айтишларича, авлиё фаний дунёни тарқ эта туриб, мангуға қўз юмган жойда яна битта терак ўсиб чиққан. Ва у бу ердаги дарахтларнинг энг қиройилиси бўлган. Ҳозир, ундан йўғонлиги бир ярим метрли эски тўнка қолган. Уни пўпанга босиб ётибди. Аммо ёнида жимгина турилса, бу улкан тўнқанинг илдизлари остидадан ғалати товуш чиқаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу – шамол ва обихаёт товуши. Бу – асрлар акс-садо-си, муқаддас хотира саси.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи.

МИЛЛИЙ КУРАШ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Кураш – азал-азалдан халқимиз миллий-маданий меросининг бебаҳо намунаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда кураш миллий спорт турини қайта тиклаш ҳамда халқаро майдонда оммалаштиришга давлат даражасида эътибор қаратилмоқда.

Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрдаги "Кураш" миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мазкур спорт турини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қарорда кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш назарда тутилган. Бу, ўз навбатида, миллий курашимизни нафақат юртимизда оммалаштириш балки халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш, "кураш", "ҳалол", "таъзим", "дакки", "ғиром", "чала", "тўхта" ва "ёнбош" каби ўзбекона атамаларни, халқаро спорт лугати таркибидан мустаҳкам ўрин олишига

хизмат қилади.

Дастурга мувофиқ, курашни оммалаштириш ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида Қоракалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри ва барча вилоятларда "Кураш" миллий спорт тури марказлари, ҳар бир туман ва шаҳарда эса замонавий спорт клублари ва секциялари ташкил этилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди дастурида ҳам матонат ва жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик тамойилларини ўзида мужассам этган миллий спорт ўйинлари, хусусан, ўзбек курашини янада ривожлантиришга қўмаклашиш устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган.

Партиямиз фаоллари иштирокида бўлиб ўтган мажлисда шаҳар ва туманлар кенгашларига партия-миздан сайланган депутатлар гуруҳларининг ҳудудларда ташкил этиладиган "Кураш" миллий спорт тури марказлари билан мустаҳкам ҳамкорлигини йўлга қўйган ҳолда, Президент қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этиши ва депутатлик назоратини амалга ошириб бориш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиши лозимлигига урғу берилди. Ўйлаймизки, бундай саъй-ҳаракатларимиз билан ўзбек миллий курашининг оммалашуви, энг муҳими, ёшларнинг ушбу спорт турига бўлган қизиқшини янада оширишга ҳисса қўшган бўламиз. Зеро, фарзандлари соғлом юрт қудратли ва буюк бўлади!

Шухрат НАСИМОВ, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши дивони раҳбари.

ЁШ ВУНДЕРКИНДЛАР БАҲСИ

Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан болалар ўртасида ўтказилган шахмат фестивалининг тўртинчи босқичида вилоятимиз спортчиси Омилжон Каримов ўз ёш тоифасида биринчи ўринни эгаллади.

Шахмат



Навқирон авлодига соғлом турмуш тарзига жалб қилиш, улар ўртасида спортни, хусусан, шахматни оммавийлаштириш, истеъдодларни кашф этиш ва ёш шахматчиларнинг маҳоратини ошириш мақсадида

ташкил этилган мусобақада юртимизнинг барча ҳудудларидан келган 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўзаро куч синашди.

10 ёшли шахматчилар мусобақасида иштирок этган Омилжон Каримов

етти турдан иборат турнирни мағлубиятсиз якунлади. Икtidорли шахматчимиз Сайидамир Ҳотамов билан дуранг ўйнаган бўлса-да, қолган барча рақиблари – Абдукабир Хайдаров, Мумтозбегим Мансурова, Чингиз Гафуров, Марҳаб Номозова, Абдуллох Абдуминов, Музроб Тошние-зов устидан зафар қучди.

Мусобақада ўз ёш тоифасида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган шахматчилар Болалар шахмат фестивалининг декабрь ойида ўтказилган ярим финал босқичида иштирок этади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҲАВЗАЛАР ТЎЛҚИНИ ЭШКАКЛАР ШИДДАТИДАН

Хитойнинг Шанхай шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда.

Эшкак эшиш

Мамлакатимиз бош жамоаси мураббийлари қитъа миқёсидаги энг нуфузли мусобақага вилоятимиз спортчиларини ҳам жалб қилди. Хусусан, икки қара жаҳон чемпиони Вадим Меньков ва халқаро мусо-

бақалар ғолибаси Дилноза Раҳматова бу галги чемпионатда ҳам ғолиблик учун куч синашди.

Шунингдек, терма жамоасидан сафидан Алексей Мочалов, Вячеслав Горн, Вильям Иброҳимов, Эр-

нест Эрназаров, Александр Тропин, Шаҳриёр Маҳамов, Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Артур Гулиев, Элёр Мамадалиев, Шохрух Аъзамов, Жаҳохир Нурматов, Беҳзод Умаралиев, Нилуфар Зокирова, Екатерина Шубина, Юлия Цой сингари спортчиларимиз жой олган.

Осиё чемпионати 20 октябрга қадар давом этади.

Ўз мухбиримиз.

МАНГУ БАҲРАҲАЁТ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Маълумоти:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@gmail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари: 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ
Назоратчи мусаввир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЛҲАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма V-246.

Адади 6 899.

Баҳоли келишилган нархда

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Қорхона манлиги: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.30.